

**SHEROBOD TUMANLARARO  
IQTISODIY SUDI**

191410, Surxondaryo viloyati Sherobod tumani, Mustaqillik ko'chasi, 1-uy



**SHERABAD INTER-DISTRICT  
ECONOMIC COURT**

191410, 1 house, Mustaqillik street, Sherabad district, Surkhandarya region

Tel: (+99876) 322-35-60,

e-mail: i.sherobod@sud.uz

**Шеробод тумани 2022 йил 5 декабрь [REDACTED]-сонли иш**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Шеробод туманлараро иқтисодий суди судья У.У.Тожиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Турдимуродовнинг котиблигида, даъвогар вакили – [REDACTED]нинг иштирокида, аризачи – [REDACTED]нинг жавобгар – [REDACTED] банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган [REDACTED]-сонли иқтисодий ишни Шеробод тумани Давлат солиқ инспекцияси маъмурий биносида, очиқ сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагилар

**а н и қ л а н д и:**

Аризачи – [REDACTED] (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар – А [REDACTED] (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади)нинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасида суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилиши, бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли эканлиги, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмаслиги, суд процессининг бошқа иштирокчилари ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор қилиниши ва судга чақирилиши белгиланган.

Иш бўйича жавобгар суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида суд томонидан белгиланган тартибда хабардор қилинганлиги ҳамда аризачининг зиммасига ҳам жавобгарни суд мажлисининг вақти ва

жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти юклатилганлигига қарамасдан жавобгар вакили суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаганлиги сабабли суд, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 127,128,170,220-моддаларига асосан иқтисодий ишни унинг йўқлигида кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили [REDACTED] аризани қўллаб-қувватлаб, жавобгар томонидан солиқ ҳисоботи белгиланган муддатда солиқ органига топширилмаганлиги, шу сабабли банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши ҳақида жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда асослантирилган хабарномалар юборилганлиги, лекин жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари солиқ органига тақдим қилинмаганлиги, шу сабабли аризани қаноатлантиришни сўради.

Суд, аризачи вакилининг суддаги кўрсатувини тинглаб, ишдаги мавжуд ва судга тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича, жавобгар [REDACTED] солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ хизмати органига топширмаган, шу сабабли банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши ҳақида [REDACTED] кунни жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда асослантирилган хабарномалар юборилган, лекин жавобгар томонидан солиқ ҳисоботлари давлат солиқ хизмати органларига қонунда белгиланган тартибда тақдим этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ

мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 132-моддасида ушбу кодекснинг мақсадлари учун солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари деганда солиқ тўловчи томонидан солиқ органларига тақдим этилган маълумотлар, шунингдек ушбу кодекснинг 133-моддасида назарда тутилган тартибда органлар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан юборилган маълумотлар тушунилиши, юридик шахс тўғрисидаги ҳисоб маълумотлари таркибига солиқ тўловчининг идентификация рақами, тўлиқ ва қисқартирилган номи, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойи ва рақами, устав фондининг (устав капиталининг) миқдори — тижорат ташкилотлари учун, алоҳида бўлинмалар тўғрисидаги маълумотлар кириши белгиланган.

Суд, жавобгарнинг солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органига топширмаганлиги, ўзи фаолият кўрсатаётган манзил тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этмаганлиги, солиқ органи раҳбари томонидан жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кунгача тўхтатиб туриш тўғрисида қабул қилинган қарор, [REDACTED] кунли солиқ органи томонидан юборилган хабарнома ҳамда огоҳлантириш хатлари жавобсиз қолдирилганлигини инобатга олиб, аризаچининг ариза талабини асосли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 222-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган

тақдирда, иқтисодий суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат божи тўғрисида”ги 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли қонунининг 9-моддаси 12-бандига асосан аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Қайд этилганларга асосан суд, аризачининг ариза талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Юқоридаги баён этилган ҳолатларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111,132,273-моддалари, Иқтисодий процессуал кодексининг 118,176-179,186,215-222-моддаларини қўллаб, суд

### **қ а р о р   қ и л а д и :**

Ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар –

нинг банклардаги ҳисоб варақалари бўйича операция (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар бериш ҳоллари бундан мустасно)ларнинг чиқиш қисми жавобгар ўзи солиқ тўловчи сифатида ҳисобда турган жойдаги солиқ органига зарур тушунтиришлар билан биргаликда солиқ ҳисоботларини шахсан тақдим этгунига қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар –

га хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисоб рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор) асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Мазкур ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қабул қилинганидан кейин ўн кун ўтгач қонуний кучга кирази, ҳал қилув қарори устидан Сурхондарё вилоят судига ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар апелляция тартибида Шеробод туманлараро иқтисодий суди орқали шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

**Судья**

**У.У.Тожиев**